

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЎРИНОВ ШЕРАЛИ РАУФОВИЧ

**БУРҒУЛАШ ВА ПОРТЛАТИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КАРЬЕР БОРТЛАРИ ТУРҒУНЛИГИНИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Ўринов Шерали Рауфович

Бурғулаш ва портлатиш ишлари технологиясини ҳисобга олган ҳолда
карьер бортлари турғунлигини бошқариш усуллари илмий асослаш.....3

Уринов Шерали Рауфович

Научное обоснование методов управления устойчивостью бортов
карьеров с учетом технологии ведения буровзрывных работ.....29

Urinov Sherali Raufovich

Scientific justification of methods for managing the stability of quarry sides
taking into account the technology of drilling and blasting operations.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 59

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ЎРИНОВ ШЕРАЛИ РАУФОВИЧ

**БУРҒУЛАШ ВА ПОРТЛАТИШ ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА КАРЬЕР БОРТЛАРИ ТУРҒУНЛИГИНИ
БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/T358 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Заиров Шерзод Шарипович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Белин Владимир Арнольдович
техника фанлари доктори, профессор

Мислибаев Илхом Тўйчибаевич
техника фанлари доктори, профессор

Наимова Рано Шукуровна
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ


Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 6 октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, sher-z@mail.ru.


Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (57 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2020 йил 17 сентябр куни тарқатилди.
(2020 йил 17 сентябрдаги 20 рақамли реестр баённомаси)



 **К.С. Санакулов**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

 **Ш.Ш. Аликулов**
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш Илмий котиби в.в.б., т.ф.д., доцент

 **И.Т. Мислибаев**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мураккаб кон-геологик шароитдаги очик усулда конлардан фойдали қазилмаларни қазиб олишда уларнинг тўлиқ қазиб олинишини таъминлаш, корхонанинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш ва кончилик ишларини хавфсиз олиб борилишини таъминлаш учун карьер бортларнинг ва уларнинг элементларининг самарали конструкциялари турғунлигини ишончилигини таъминлаш лозим. Карьерлар бортларининг қиялигининг олд қисмида портлатиш ишларини олиб боришда уларнинг яхлитлиги бузилади, ёриқлар ривожланади ва массив заифлашади. Кам бризантли портловчи моддаларни (ПМ), оралик детонатор ва махсус конструкцияли зарядларни қўллаш чегара олди майдонида динамик таъсирни камайтириш имконини беради. Бироқ, уларни қўллаш майдалашга сарфланадиган харажатни ошишига олиб келади ва бир қатор ҳолларда талаб этиладиган охириги натижаларни таъминламайди. Кўплаб тадқиқотларга қарамай, ўрта ва чуқур карьерларда коннинг гидрогеологик ва кон-техник шароитларининг мураккаблиги ва турли хиллиги туфайли бортларнинг охириги чегаравий ҳолатида турғунлигини ошириш муаммоси охиригача ечилмаган ва уни ҳозирда ечиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда, очик кон ишларида поғоналарни қиялашда контурли портлатишни қўллаш соҳасида катта ютуқларга эришилмоқда ва бу бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ бу борада, контурли портлатишда, қудуқли ПМ зарядларининг параметрларини такомиллаштириш, шунингдек, поғоналарни қиялашнинг рациональ технологиясини танлашда ҳамда прогнозли баҳолаш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар ҳал этилмаган. Шу билан бирга, бурғулаб портлатиш ишларининг параметрларини танлашда, карьер бортларининг барқарорлиги талаблари етарлича ҳисобга олинмайди. Шунга кўра, бурғулаб портлатиш технологияини ҳисобга олган ҳолда, контурорти массивининг бутлигини таъминлаш, кон ишларини олиб боришда хавфсизликни тасарруф этиш ҳамда очиш ишларининг ҳажмини камайтириш учун контурли портлатиш параметрларини такомиллаштириш ва коннинг чегара контурида поғонанинг янада мустаҳкам, кескин қияликларини ҳосил қилиш, карьер бортларинининг барқарорлигини бошқариш методларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарурати тақазо этмоқда.

Республикамизда карьерларнинг чегара олди ҳудудларида бурғулаш ва портлатиш ишлари (БПИ) жараёнларини жадаллаштириш, контурли портлатишда қияликларнинг турғунлигини тадқиқ қилиш, портлатиш технологияларининг қўлланилиш самарадорлигини ошириш, борт орти захираларни бут сақланишини таъминловчи портлатиш усулини ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун

инвестицияларни жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ва кон-металлургия саноатидаги йирик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш...»¹ муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда карьер чегараси контурида бурғулаш – портлатиш ишларини, бортлар конструкцияси ва жинсларнинг босимли-деформацияланган ҳолатини тадқиқ этиш, карьерларда дастлабки тирқиш ҳосил қилишда портловчи скважиналарнинг рационал параметрларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш, карьерларда қияликларни шакллантиришда контурли портлатиш усулини экспериментал баҳолаш усули ва карьер бортлари турғун қияликларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқишни ривожлантириш вазифаларини бажариш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015–2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Карьерларда дастлабки тирқиш ҳосил қилишда портловчи скважиналарнинг рационал параметрларини аниқлаш ва усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим, жумаладан Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС» (Россия), Урал давлат кончилик институти (Россия), Technische Universität Bergakademie Freiberg (Германия), School of mining and technology of South Dakota (США), Der Berguniversität Leoben (Австрия), Mining University in Xiuzhou (Китай), L'école supérieure De montagnes de Paris (Франция), Institute of materials, minerals and mining (Великобритания), Rheinisch-Westfälische Technische Hochschule Aachen (Германия), Colorado State Mining University (США), Górská i hutniczych akademii Krakow (Польша), Technická univerzita Ostrava (Чехия), Минно-геоложки университет

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4124 «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

² Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.atlasrockbit.com, <http://www.varelintl.com>, www.dissercat.com, <http://vbm.ru>, <https://www.amozon.com>, <http://www.mirknigi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

София (Болгария), Chinese geological university Wuhan (Китай), Россия фанлар академияси Урал бўлимнинг кончилик ишлари институти (Россия), Навоий давлат кончилик институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Карьер чегара контурида БПИ ни ривожлантириш, поғоналар ва бортларнинг турғунлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан: контурли портлатишда ПМ скважина зарядларининг самарали параметрлари аниқланган ва конструкцияси ишлаб чиқилган (Россия фанлар академияси Урал бўлимнинг кончилик ишлари институти, School of mining and technology of South Dakota); карьер бортларининг турғунлиги аниқланган (Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС», Colorado State Mining University, Der Berguniversität Leoben, Урал давлат кончилик институти); ялпи портлатиш таъсири остида карьернинг чегара олди ҳудудининг деформацияси асосланган (L'école supérieure De montagnes de Paris, Der Berguniversität Leoben, Урал давлат кончилик институти, Chinese geological university Wuhan, Mining University in Xiuzhou); чуқур карьерларда масъул муҳандислик иншоотлари ва бортлар қияликларининг ҳолатини бошқариш усуллари ишлаб чиқилган (ДУК «O'zGEORANGMETLITI» ва Навоий давлат кончилик институти).

Жаҳонда карьернинг чегаравий контурида бурғулаш ва портлатиш ишлари технологиясини ишлаб чиқишга оид қуйидаги устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда: поғоналарнинг турғун қияликларини ҳосил қилиш мақсадида карьернинг борт орти массивини емирилиш жараёнини тадқиқ қилиш; ялпи портлатиш энергияси таъсири остида контур орти тоғ жинси массиви деформациясини тадқиқ қилиш; карьер бортларининг турғун қияликларини ҳосил қилиш йўлларини ишлаб чиқиш; БПИ нинг сейсмик хавфсиз технологиясини ишлаб чиқиш; контурли портлатишда ПМ скважина зарядлари конструкциясини ишлаб чиқиш; карьерда поғона қиялигини шакллантиришда экран ҳосил қилувчи тиркишларнинг параметрларини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда БПИни олиб боришга доир бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, И.П.Бибиқ, Н.И.Кучерский, Ш.Ш.Заиров, Н.И.Кучерский, О.Н.Мальгин, И.Т.Мислибаев, З.С.Назаров, У.Ф.Насиров, Ю.Д.Норов, Ю.Э.Петросов, Б.Р.Раимжанов, В.Р.Рахимов, С.К.Рубцов, В.Н.Сытенков, Е.А.Толстов, Ж.Б.Тошов, А.Б.Тухташев, Ф.Я.Умаров, С.А.Филиппов, П.А.Шеметов каби олимлар фаолиятида карьерларда БПИларини олиб бориш усуллари ва технологияси, ялпи портлатишда карьерлар бортларининг турғунлиги тадқиқ этилди, кон-руда массасида ноўлчамларни чиқишини камайтириш ва карьерлар бортларининг бутлигини сақлашга портлатиш ишларининг бошқарилувчи таъсири, карьер технологик оқимида БПИ жараёнларини бошқаришни таъминловчи технологиялар такомиллаштирилган, секинлаштирувчи воситаларни қўллаган ҳолда портлатишнинг янги схемалари ишлаб чиқилган, БПИ да асосий ва ёрдамчи материаллар сарфини

оптималлаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилган, тоғ жинсларини портлатиш усули билан майдалашда инкорлар сони қисқартирилган ва б.

Хориж амалиётида Ю.И.Анистратов, В.Ф. Баранов, Е.Г. Баранов, Б.Н. Байков, Ф.А. Баум., В.А. Белин, В.А. Боровиков, Ю.А. Боровков, Л.А. Вайсберг, С.Д. Викторов, В.В. Галкин, Э.Л. Галустян, С.А. Гончаров, М.Ф. Друкованный, В.Н. Закалинский, Т.Т. Исмаилов, Н.Н. Казаков, Б.Н. Кутузов, С.В. Корнилков, В.Н. Мосинец, Н.В. Мельников, В.Д. Морозов, М.Е. Певзнер, И.И. Попов, В.Н. Попов, Б.Р. Ракишев, В.В. Ржевский, К.Н. Трубецкой, Г.Л. Фисенко, Б.П. Юматов, Ajoy K. Ghose, Akhilesh Joshi, Mark Kuchta, Richard L. Bullock, William A. Hustrulid ва бошқалар томонидан карьерлар бортларининг турғунлигини бошқариш усулларини тадқиқ қилишга доир изланишлар амалга оширилган. Бортлар турғунлигини оширишни таъминлаш, карьернинг чегаравий контурида ПМ скважина зарядлари конструкциясини такомиллаштириш ва карьер бортларининг ҳолатини бошқариш усулларини ишлаб чиқишда улар томонидан кўплаб мувафакқиятларга эришилган.

Ушбу йўналишда кўплаб ўтказилган тадқиқотлар ва эришилган ютуқларга қарамай, контур олди массивининг босимли–деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ этиш, карьерларда дастлабки тирқиш ҳосил қилишда портловчи скважиналарнинг рационал параметрларини аниқлаш, қияликларни шакллантиришда контурли портлатиш усулини экспериментал баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, карьерлар бортларининг турғун қияликларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш, чегаравий контурда поғоналар қияликларини экскаватор ёрдамида ҳосил қилиш усулини ишлаб чиқиш ва карьернинг чегара олди ҳудудида ПМ скважина зарядларини кўзғатиш усулларини ишлаб чиқишни давом эттириш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий-тадқиқот режасининг А13-009+А13-019-сон «Очиш ишлари ҳажмини қисқартириш учун карьер чегарасида портлатиш параметрларини такомиллаштириш ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2015–2017 йй.) ва БВ-Атех-2018-37-сон «Бурғулаш-портлатиш ишлари технологиясини ҳисобга олган ҳолда карьер бортларининг мустаҳкам-конструктив қуриш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади поғоналар қияликларининг юқори сифатлилигини, контур орти массивининг тўлиқ бутлигини ва кончилик ишларини хавфсиз олиб борилишини таъминлаш учун БПИ ни олиб бориш технологиясини ҳисобга олган ҳолда карьер бортларининг турғунлигини бошқариш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

карьернинг чегаравий контурида БПИни ривожлантиришнинг замонавий тенденциясини ўрганиш ва поғоналарнинг вертикал қияликларини шакллантириш бўйича бажарилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

Кўкпатас кони жинсларининг босимли-деформацияланганлик ҳолати ва бортларининг конструкцияларини тадқиқ қилиш;

портлатиладиган тоғ массиви бўлакранишини тақдим этадиган иқтисодий-математик моделини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш;

карьерларда дастлабки тирқишлар ҳосил қилишда портловчи скважиналарнинг рационал параметрларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш;

карьерларда қияликларни шакллантиришда контурли портлатиш усулини экспериментал баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

карьер бортларининг турғун қияликларини шакллантириш усулини ишлаб чиқиш;

карьернинг чегаравий контурида поғоналарнинг қияликларини экскаватор ёрдамида ҳосил қилиш усулини ишлаб чиқиш;

карьер чегара олди худудида ПМ скважина зарядларини кўзғатиш усулини ишлаб чиқиш;

карьер бортларининг турғун қияликларини шакллантиришнинг ишлаб чиқилган усулларини саноатда синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида карьернинг чегара олди худуди ва бортининг қиялиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети – карьер бортларининг турғун қияликларини шакллантириш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида назарий умумлаштириш ва тажриба, полигон ҳамда саноат шароитида экспериментал тадқиқ этиш, дастлабки тирқиш ҳосил қилишда контурли скважина параметрларини математик моделлаштириш усуллари, замонавий компьютер технологияларини қўллаган ҳолда математик дастурлаш усуллари, шунингдек, тадқиқот натижаларини корреляцион таҳлил қилиш ва математик статистик усулларини ўз ичига олувчи тадқиқотларнинг умумлашган усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Кўкпатас кони шароити учун тоғ жинси массивининг босимли - деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш усули ва модели ишлаб чиқилган, натижада нисбий координаталарда ярим чексиз соҳасининг симметрик чегаралари ва нисбий координаталарда ярим чексиз соҳасининг носимметрик чегаралари асосланган;

тоғ жинсларининг физик-техник ва кон-технологик хусусиятларидан келиб чиқиб, турли типдаги эмульсион ПМни қўллаш орқали бурғилаб портлатиш ишларининг самарали параметрлари ўзгаришларини ўрнатиш имконини берадиган, портлатиладиган тоғ массиви бўлакранишини тақдим этадиган ишлаб чиқилган иқтисодий-математик модели асосида тоғ жинсларини портлатиш орқали майдалашнинг самарадорлиги аниқланган;

башоратли усул ва унга асосланган БПИ параметрлари ва портлатилган жинсларнинг гранулометриқ таркиби компьютер ҳисоб-китоблари учун алгоритм блок-схемаси ишлаб чиқилган;

турли кон-геологик, кон-техник ва иқлим шароитларида дастлабки тирқиш ҳосил қилишда портловчи скважинанинг рационал параметрлари аниқланган;

ПМ заряди зичлиги, тоғ жинси зичлиги, тоғ жинсларининг сиқилишга чидамлилиқ чегараси, портлатиладиган тоғ жинсида бўйлама тўлқин тезлиги ва саноатдаги ПМ детонация тезлигига боғлиқ ҳолда контурли скважина диаметрининг ўзгариши аниқланган;

тоғ жинсида бўйлама тўлқин тезлиги, ПМ зичлиги, контурли скважина радиуси, саноат ПМсидаги детонация тезлиги, тоғ жинсларининг сиқилишга чидамлилиқ чегарасига боғлиқ ҳолда контурли заряднинг чизикли массасининг ўзгариш боғлиқлиги исботланган;

тоғ жинсида бўйлама тўлқин тезлиги, ПМ зичлиги, тоғ жинсларининг сиқилишга ва чўзилишга чидамлилиқ чегараси, шунингдек контурли скважина радиусига боғлиқ ҳолда контурли скважиналар орасидаги масофанинг ўзгариш боғлиқлиги исботланган;

карьерларда қияликларни ҳосил қилишда контурли портлатиш усулини экспериментал баҳолаш умумлашган усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

карьерларда, тоғ жинсларининг физик-техник ва кон-технологик хусусиятларини, БПИнинг параметрларини, физик-техник ва тоғ-технологик хусусиятларининг таъсирини, шунингдек, ПМ портлаш тавсифини белгилаш имконини берадиган, портлатилган тоғ жинсларининг прогноз қилиш методикаси ва гранулометриқ таркибини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

массивнинг физик-техник ва кон-техник хусусиятларини инобатга олган ҳолда БПИ нинг самарали параметрларини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

портлаш жараёнини юқори тезликли видеоқайд усули билан тўлқинсимон ўзаро таъсири ва ёриқлик тадқиқ қилинган ҳамда контурли скважиналарни портлатишнинг экспериментал тадқиқотларини ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган;

поғоналар қиялигининг юқори сифатлилигини, контур орти массивининг тўлиқ бутлигини ва кончилик ишларини хавфсиз олиб борлишини таъминлаш имконини берувчи карьер бортларининг турғун қиялигини шакллантириш усули ишлаб чиқилган;

карьернинг чегаравий контурида поғонанинг қиялик бурчагини ошириш, қопловчи тоғ жинслари ҳажмини камайтириш, контур орти массивининг мустаҳкамлигини сақлаш ва кончилик ишларини олиб борилишининг хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи экскаваторли усулда поғоналар қияликларини шакллантириш ишлаб чиқилган;

карьернинг контур олди ҳудудида тоғ жинсининг майдаланиш самарадорлигини пасайтирмасдан, карьер борти ва муҳандислик иншоотларига берилиши мумкин бўлган сейсмик куч билан таъминлаш имконини ва портлатилган кон массаси бўлақларининг берилган ўртача ўлчамини таъминлаш имконини берувчи ПМ скважина зарядларини қўзғатиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги кенг миқёсдаги полигон ва саноат шароитидаги тажрибалар, бурғулаб портлатиш технологиясини ҳисобга олган ҳолда карьер бортларининг мустаҳкамлигини назорат қилиш методларини ишлаб чиқишда ишнинг асосий ғоясининг миқдорий кўрсаткичлари ва қоникарли даражада мувофиқлиги, шунингдек, оммавий портлатиш ишларида, поғонанинг юқори сифатли нишаблигини таъминлайдиган, чекка массивнинг тўлиқ бутлигини, кон қазиш ишларида хавфсизликни тасарруф этиш ҳамда очиш ишларининг ҳажмини камайтириш усулларини қўллаш орқали эришилган ижобий натижалар орқали исботланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти БПИ ни олиб бориш технологиясини инобатга олган ҳолда карьерлар бортларининг турғунлигини бошқариш методлари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти карьер бортларининг турғун қияликларини шакллантириш усулларини ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланиб қазиб олишнинг барча даврида карьер борти массивининг турғун ҳолатини ушлаб туришни таъминловчи кончилик ишларини олиб борилиши хавфсизлигини ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. БПИни олиб бориш технологиясини инобатга олган ҳолда карьерлар бортларининг турғунлигини бошқариш усулларини илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

карьернинг турғун қияликларини шакллантириш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Кўкпатас конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 июлдаги 02-06-07/7687-сон маълумотномаси). Натижада, поғона қиялигини шакллантиришнинг юқори сифатлилигини ва кончилик ишларининг хавфсиз олиб борилишини таъминлаш имконини берган;

карьернинг чегаравий контурида поғоналар қияликларини шакллантиришнинг экскаваторли усули «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Кўкпатас конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 июлдаги 02-06-07/7687-сон маълумотномаси). Натижада, поғона қиялигини 60⁰ дан 65⁰ гача ошириш, қопловчи тоғ жинсларининг ҳажмини камайтириш, контур орти массивининг мустаҳкамлигини сақлаш ва кончилик ишларининг хавфсиз олиб борилишини таъминлаш имконини берган;

карьернинг контур олди ҳудудида ПМ скважина зарядларини кўзғатиш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Кўкпатас конида жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 июлдаги 02-06-07/7687-сон маълумотномаси). Натижада, тоғ жинсининг майдаланиш самарадорлигини пасайтирмасдан, карьер борти ва муҳандислик иншоотларига берилиши мумкин бўлган сейсмик куч ва портлатилган кон массаси бўлақларининг белгиланган ўртача ўлчамини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий ишлар chop этилган, шулардан 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан Республика нашрларида 6 та ва хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Карьернинг чегаравий контурида бурғулаш-портлатиш ишлари ривожланишининг замонавий ҳолатини кўриб чиқиш» деб номланган биринчи бобда, карьерлар бортларининг турғунлиги ва параметрларига таъсир этувчи асосий факторлар таҳлили амалга оширилган, назарий тадқиқотларнинг адабиёт ва патент қидируви натижалари ва карьерларнинг чегаравий контурларида поғоналарнинг вертикал қияликларини шакллантиришда БПИни олиб бориш амалиёти берилган, кончилик ишларини олиб бориш ва бортларни қайта қуриш технологиясига таъсир этувчи факторлари кўрсатилган, кончилик ишларини олиб бориш ва бортларни қайта қуриш технологиясининг таҳлили ўтказилган, шунингдек, Кўкпатас кони карьерларининг контур олди ҳудудида БПИни олиб боришнинг замонавий ҳолати келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида аниқландики, турли кон-геологик, кон-техник ва иқлим шароитларида карьерлар бортларининг қиялик бурчагини 70° гача шакллантириш мумкин. Бортларнинг қиялик бурчакларини фақатгина шундай ҳолатда ошириш мумкин, қайсики, унинг параметрлари конструктив элементлари билан асосланган бўлиши лозим, тоғ жинси массивининг турғунлиги билан эмас. Чуқур карьерларда бортлар қиялик бурчакларининг конструктив параметрларининг ўзгариши қиялик бурчаги 80°-90° ва улар орасидаги майдончалар кенгилиги 10-15 м бўлган поғоналар баландлигининг иккилангани, учлангани ҳисобига амалга оширилади.

Чуқур карьерлар қурилиш назарияси ва амалиётининг асосий камчиликларининг таҳлили уларнинг эволюцион ривожланиш стратегиясини техник жиҳатдан эришиб бўладиган чегарагача ишлаб чиқиш заруриятини кўрсатди. Уларнинг тизим остида ривожланиши эса – молиялаштириш ва заём воситаларини сўндириш манбалари билан аниқланувчи капитал қўйилмалар графиги билан мустаҳкамланади. Бунда, худди шундай мавжуд карьерларнинг турли босқичларининг ишлаб чиқариш қуввати корхонанинг иқтисодий ва кончилик имкониятлари билан балансга келтирилиши лозим.

Қумтошли тоғ жинсларида поғоналарнинг турғунлиги жинсларнинг физик-техник хусусиятлари, ёриқларни қияликга нисбатан мўлжалланиши ва кўлами билан, шунингдек, улашиши, контакт бўйича ички ишқаланиш бурчаги, ёриқлар юзасининг нотенглиги ва тўлдиргичнинг хусусиятлари билан аниқланади. Карьерда портлатиш ишларида ёриқдорликнинг ўзгариши, қолдиқ деформацияларнинг вужудга келиши, структуравий блокларнинг контактлари бўйича мустаҳкамлик характеристикаларининг пасайиши натижасида контур орти массиви тоғ жинсларининг бўшашиши содир бўлади. Поғонанинг қиялик олди қисми турғунлигини пасайишининг объектив характеристикаси ёриқлар контактлари бўйича мустаҳкамлик характеристикасининг ўзгариши ҳисобланади. Бироқ, табиий шариотларда бундай характеристикаларни аниқлаш қийинчилиги қияликлар турғунлигини баҳолашда уларни мезони сифатида қўллаш имконини бермайди.

Узоқ вақт туриб қолишида поғона профили бузилиш зонаси чегараси профилига яқинлашади. Шу сабабли бузилган зона ўлчамлари ва қолдиқ деформациялар зонаси чегаралари профили бўйича поғона турғунлигининг узоқ давом этиши ҳақида фикр юритиш мумкин. Дастлабки тирқиш ҳосил қилиш усулини қўллашнинг самарадорлигини миқдорий баҳолаш контурли портлатишни қўллаш самарадорлигининг коэффиценти ёрдами билан амалга ошириш тавсия этилади.


Қолдиқ деформациялар зонасининг кенглигини камайтириш учун қуйидаги ечимлар намоён бўлди: юқори ҳимоялаш қобилиятига эга бўлган экран ҳосил қилувчи тирқишларни яратишни таъминловчи чегараловчи зарядларнинг параметрларини ўрнатиш ва сиқилган тўлқинни тушишидаги кучланишни мос равишда таъминловчи контур олди ҳудудида портлатиш параметрларини танлаш.


«Кўкпатас кони бортларининг конструкцияси ва жинсининг босимли-деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобда, тоғ жинси массивининг босимли-деформацияланганлик ҳолатининг модели ва ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишга, Кўкпатас кони бортларининг конструкцияси ва тоғ жинслари массивидаги кучланишни ҳисоблашни тадқиқ этишга, вақтинчалик факторларни ҳисобга олган ҳолда карьер бортларининг турғунлигини башоратлаш ва карьер чуқурлигининг борт олди массивига таъсири келтирилган.

Кўкпатас кони шароити учун тоғ жинси массивининг босимли-деформацияланган ҳолатини ҳисоблаш модели ва усули ишлаб чиқилган. Натижада нисбий координаталарда ярим чексиз соҳасининг симметрик

чегаралари ва нисбий координаталарда ярим чексиз соҳасининг носимметрик чегаралари ўрнатилди.

Ҳисоблашларни ва чегаравий шартларни шакллантирувчи даслабки маълумотлар





1-расм. Борт конструкция ва Кўкпатас каръери тоғ жинслари массивидаги кучланиш параметрларини ҳисоблаш блок-схемаси

Чегаравий интеграл тенгламалар усули ва массивда кучланишни ҳисоблаш алгоритми кўриб чиқилди. Чегаравий интеграл тенгламалар усулида шундай майдон кўриб чиқилдики, қайсики, ушбу майдонда контур чегараси участкаларнинг тугал сонига узлуксиз айирилади. Чегаравий шартларни ва ҳажмий кучларни аниқловчи ҳисоблаш схемаси ва блок схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Карьер бортларининг барқарорлиги вақтинчалик омилни ва жинсларнинг турини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилинган.

Кокпатас конининг борт массивини қатламлик, ёрилишлилик, тектоник бузилиш ва борт массивининг иккиламчи сув сатҳини ҳисобга олган ҳолда районлаштириш амалга оширилди, натижада шунга ўхшаш барқарорлик шароитларига эга бўлган олтига узун майдон аниқланди.

Кокпатас конининг Шарқий каръери 98-98 ва 103-103 кесимлари бўйича карьер бортининг мураккаб участкасининг юкламали-деформация қилинган ҳолати текширилди, бу икки ҳолатнинг қиёсий баҳолари: массивнинг структуравий-тектоник хусусиятларини ва чиқиндилардан ташқи юкламаларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирги вақтдаги қайта ишлашда ва чегара контурида

Қайд қилмоқ керакки, кучли деформация ташқи юкламалари ва кўламли кучлар факторлари таъсири остида бўлган нишабликнинг ҳолати, самосваллар учун юк тушириш майдончасининг хавфсиз параметрларини ҳамда етарли аниқлик билан барқарорлик коэффицентини ҳисоблаш имкони борлиги белгиланди.

«Портлатиладиган тоғ массиви бўлакларини тақдим этадиган иқтисодий-математик моделини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда, портлатиладиган тоғ массиви бўлакларини тақдим этадиган иқтисодий-математик модели ва муаммони ҳал қилиш алгоритми ишлаб чиқилган, портлатилган массивнинг гранулометриқ таркибини баҳолаш ва ҳисоблашнинг назарий усуллари асосланган, БПИ лойиҳалаштирилган ҳудуд тоғ жинсларининг идентификацион тавсифи берилган, тоғ жинсларини майдалаш сифати, секинлатиш интервалларини мувофиқлаштириш орқали ва зарядларни қўзғатишнинг электрсиз тизимларини портлаш схемалари билан ўзаро боғлиқлиги ўрганиб чиқилди.

Карьерларда, тоғ жинсларининг физик-техник ва кон-технологик хусусиятлари ва ПМ портлаш тавсифи, БПИнинг параметрларининг қонуниятларини белгилаш орқали, гранулометриқ таркибни прогноз қилиш методикаси ва ҳисоблаш алгоритминини ишлаш имконини берадиган, портлатиладиган тоғ массиви бўлакларини тақдим этадиган иқтисодий-математик модели ишлаб чиқилди.

Карьерларда, ПМнинг портловчанлик тавсифи ҳамда жинсларнинг физик-техник хусусиятлари, БПИ параметрлари таъсирининг белгиланган қонуниятлари асосида қўллаш орқали, тоғ жинсларини портлатиб майдалаш самарадорлигида, қайсики, поғонанинг баландлиги бўйича катталиги поғона юқори қисмида максимал аҳамиятли ва қуйи қисмида минамал аҳамиятга эга гиперболик боғлиқлик асосида ўзгаришини прогноз қилиш методикаси ва унинг асосида, портлатилган жинсларнинг гранулометриқ таркиби ва БПИ параметрларининг компьютер ҳисоблари алгоритмининг блок схемаси ишлаб чиқилди. Ўзининг энергетик ва детонацион тавсифи билан кўпроқ мустаҳкам тоғ жинслари физик-техник хусусиятларига мос келадиган, бунда фойдали қазилмаларни олишда хавфсизлик ошадиган, ишлов берилган тоғ массивининг сифати 15% га яхшиланадиган ва ПМ сарф-харажти 1,8% га камайдиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган арзон компонентлардан фойдаланган ҳолда, ЭПМни қўллаш тавсия этилади.

Карьерларининг физик-техник ва кон-технологик хусусиятларини ўрганиш асосида, бурғилаш асбобларининг ейилишини 3,4%га ҳамда ПМ сарфини 1,1%га камайтирилган портлатиш ишларининг рационал параметрларини лойиҳалаш учун массивнинг ахборотли тавсифини олиш

имконини берадиган, тоғ жинсларининг бурғиланиш ва барқарорлик хусусиятлари кўрсаткичлари орасидаги корреляцион ўзаро боғлиқлиги белгиланди.

Жинс массивини бир текисда майдалашга ва портловчи моддаларнинг сарф-харажатини 0,3%га камайтиришга ёрдам берадиган, 67 мс дан 100 мс қудуқлар қаторлари оралиғидаги ва 42 мс дан 67 мс қатордаги қудуқлар оралиғидаги тармоқ параметрларини қўллаш учун НСИ СИНВ-Ш тизимидаги сирт детонаторларининг ҳисоблаб чиқилган секинлатиш интерваллари тавсия этилган.

«Карьерларда дастлабки ёриқлар ҳосил қилишда портлаш скважиналарининг рационал параметрларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобда, дарз кетган тоғ жинслари нишабликлари барқарорлигини баҳолаш усули назарий жиҳатдан асосланди, дастлабки ёриқлар ҳосил қилишда контурли скважиналарнинг рационал параметрлари тадқиқ этилганлиги ва аниқланганлиги келтирилган.

Бир вақтнинг ўзида портлайдиган ПМнинг миқдорини ҳисоблаш K_c коэффициентини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилади, уларнинг сони қийматлари силжиш турига, ҳимояланган объектнинг жойлашишига, жинсларнинг турига ва дарз кетиш табиатига қараб белгиланади (1-жадвал).

1-жадвал

Турли шароитларда K_c коэффициенти қиймати


Кўриқланадиган объектнинг жойлашиш ўрни	Элементар блок қирраси ўртача ўлчами, м	Силжиш коэффициенти, K_c
Портлатиладиган поғона горизонтида	До 0,1	8,7
	0,1-0,3	6,2
	0,3-0,6	3,76
	0,6-2,0	3,02
	2,0	2,8
Портлатиладиган поғонадан горизонти юқорисида	до 0,1	8,22
	0,1-0,3	5,87
	0,3-0,6	3,56
	0,6-2,0	2,85
	2,0	2,65
Портлатиладиган поғонадан икки горизонт юқорида	до 0,1	7,89
	0,1-0,3	5,61
	0,3-0,6	3,42
	0,6-2,0	2,74
	2,0	2,54

Карьер чегара контурида портлатиш ишларида бир вақтнинг ўзида портловчи моддалар миқдорини қуйидаги формула билан аниқланади

$$Q=(r_6/K_c)^3, \text{ кг}, \quad (1)$$

бу ерда r_6 – контурли поғоналар учун портлаш жойидан кўриқланадиган объектгача бўлган хавфсиз масофа, м; K_c – коэффициентнинг ўртача қиймати.

Бир вақтнинг ўзида портловчи моддалар миқдорига қараб қолдиқ деформация зонасидаги ўзгариш қонуниятлари ўрнатилди (2-расм).



1 – вертикал силжиш;
2 – горизонтал силжиш

2-расм. Бир вақтнинг ўзида портловчи моддалар миқдори Q бўйича қолдиқ деформация зонасини R нинг ўзгартириши


Шундай қилиб, 1-жадвалдаги маълумотлар асосида бир вақтнинг ўзида портловчи моддалар миқдорини массив структуралари ва карьер бортларини чегара контуридаги ишсиз поғоналар қуриш схемаларига нисбатан боғлиқлиги ўрнатилди.

Интенсив деформация минимал зонасининг таъминотидан келиб чиқиб, 1 м иш майдонига портловчи модданинг оптимал миқдори ва солиштирма сарфи аниқланди. ПМнинг ўрнатилган оптимал сарфи юзасидан, ишлов бериладиган поғонанинг устки четидан стационар борт томонидаги нуктасигача бўлган масофани ўзида касб этадиган, контурли массив деформациясидан фарқли равишда, $R_{п.з}$ контуролди зонасининг кенглиги аниқланди:

$$R = A \cdot (w + (n-1)b)^{1/3}, \text{ м}, \quad (2)$$

бу ерда A – эмпирик коэффициент ($A=11,5-18,0$); w – таглик бўйлаб қаршилиқ чизиғига боғлиқ бўлган, ишлов бериладиган лентанинг кенглиги, м; n – скважиналарнинг қаторлари миқори, дона; b – скважиналарнинг қаторлари орасидаги масофа, м.

Ифода (2) портлаш содир бўлган жойдан карьер ён сиртининг чекланган контуригача берилган масофада иш майдони бўйича портлаш блокининг ўлчамларни аниқлашга имкон беради (3-расм).



3-расм. $R_{п.з}$ контурли зона кенглигини L фронт бўйича портлатиладиган поғона узунлигига нисбатан ўзгариши

Шундай қилиб, қолдиқ деформациялар зонасининг кенглигини камайтириш учун ечимлар тавсия этилган, юқори ҳимоя қобилятига эга экранлаш бўшлиғини яратиш учун контурловчи зарядларнинг параметрлари ўрнатилди ҳамда контуролди зонасида, юқори ҳимоя қобилятига эга бўлган қалқон бўшлиғини яратишни ва оғма сиқиш тўлқинига мос келадиган кучланиш чекловини таъминловчи портлаш параметрлари танланди.


Массивнинг физик-техник ва кон-технологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, контурли портлатишда БПИнинг самарали параметрларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

Контурли скважина зарядининг диаметрини қуйидаги формула бўйича аниқлаш тавсия этилади:

$$d_3 = 0,55 \frac{(\rho_0 c^2)^{7/12}}{(\rho_{ВВ} D^2)^{1/3} \sigma_{сж}^{1/4}} d_c, \text{ мм}, \quad (3)$$

бу ерда ρ_0 – тоғ жинсининг зичлиги, кг/м^3 ; c – тоғ жинсида бўйлама тўлқин тезлиги, м/с ; $\rho_{ВВ}$ – ПМ зичлиги, кг/м^3 ; D – ПМ детонацияси тезлиги, м/с ; $\sigma_{сж}$ – сиқиш мустаҳкамлиги чегараси, МПа ; d_c – скважинанинг диаметри, мм .

Контурли скважина диаметрининг ўзгарувчанлиги ПМ зарядининг зичлигига, тоғ жинсларининг зичлигига, тоғ жинсларининг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасига, портлатиладиган жинсидаги бўйлама тўлқин тезлигига ва саноат портловчи моддаларининг детонацияси тезлигига боғлиқлигига кўра белгиланди (4-расм).



4-расм. Турли тоғ жинларида контур заряди диаметрининг d_3 нинг ПМ детонациясининг тезлиги D (а), бўйлама тўлқин тезлиги c (б), сиқилишда тоғ жинслари мустаҳкамлиги чегараси $\sigma_{сж}$ (в), ПМ зичлиги $\rho_{ВВ}$ (з) параметрларига нисбатан ўзгариши


Контурли скважина зарядининг чизиқли массасини қуйидаги формула асосида аниқлаш тавсия этилади:

$$\rho = 3,8 \cdot 10^{-5} \frac{(\rho_0 c^2)^{7/6}}{(\rho_{ВВ})^{1/3} D^{4/3} (\sigma_{сж})^{1/2}} r_c^2, \quad (4)$$

бу ерда r_c – скважинанинг радиуси, мм .

Турли тоғ жинларида портлатиладиган тоғ жинсларининг зичлигига,

портлатиладиган жинсдаги бўйлама тўлқин тезлигига, ПМ детонациясининг зичлиги ва тезлигига, тоғ жинсларининг контурли скважина радиуси ва сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасига кўра, контурли скважина заряди чизиқли массасининг ўзгарувчанлиги белгиланди (5-расм).



Дастлабки ёриқлар ҳосил қилишда контур скважиналари орасидаги масофани қуйидаги формула асосида аниқлаш тавсия этилади


$$a = 0,064 d_c \left(\frac{\rho_0 c^2 \sigma_{\text{сж}}^3}{5 \sigma_p^3} \right)^{1/8}, \text{ м}, \quad (5)$$

бу ерда σ_p – тоғ жинсларининг тортилишидаги мустаҳкамлик чегараси, МПа.

Турли тоғ жинсларида контурли скважина радиуси, шунингдек, тоғ жинсларининг сиқилишдаги ва тортилишидаги мустаҳкамлик чегараси, тоғ жинсларида бўйлама тўлқин тезлигига кўра, контурли скважиналар орасидаги масофанинг ўзгарувчанлиги белгиланди (6-расм).

Шундай қилиб, массивнинг физик-техник ва кон-технологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, БПИнинг самарали параметрларини

аниқлаш орқали карьерларнинг контуролди зонасида ПМнинг контурли скважина зарядлари таъсири белгиланди.



б-расм. Турли тоғ жинсларида контурли скважиналар орасидаги масофа а нинг бўйлама тўлқин тезлиги c (а), тоғ жинсларининг сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси $\sigma_{сж}$ (б), скважинанинг радиуси r_c (в) ва жинсларнинг шикастланишдаги мустаҳкамлик чегараси σ_p (г) ларга нисбатан ўзгариши

«Карьерларда қияликларни белгилашда контурли портлатиш усулининг экспериментал баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган бешинчи бобда, карьерларда қияликларни лойиҳалашда контурли портлатиш усулини назарий жиҳатдан баҳолашга ҳамда контурли скважина портловчи моддалари зарядлари портлашларининг экспериментал тадқиқотларини ўтказиш методикаси ишлаб чиқилган.

Карьер бортларининг чегаравий контурида қияликларни шакллантиришни турли технологик схемаси тадқиқотлар натижасида қўйидагича ўрнатилган, яъни дастлабки тирқиш ҳосил қилиш усули қўллашда энг самарали натижаларга эришилади.

Контур орти тоғ жинслари массивини заряд конструкциясида уларни инертли забойкалар билан тўлдирган ҳолда майдалаб бузиш механизмини тадқиқ қилишда қўйидагилар ўрнатилган, яъни портлатишда тоғ жинси массивини асимметрик бузиш содир бўлади ва инертли забойкалардан фойдаланиш натижасида энергияни ютилиши ҳисобига қўриқланадиган массив атрофида портлаш таъсири камаяди.

Олиб борилган назарий тадқиқотлар натижасида контурли скважина зарядларини портлатишни илмий тажрибага асосланган тадқиқотлар ўтказиш

усуллари ишлаб чиқилган. Тажриба тадқиқотлари Навоий давлат кончилик институтининг илмий лабораторияларида бир неча марта олиб борилган.

Шаффоф жисмларда Olympus i-SPEED 2 маркадаги юқори тезликдаги видеокамераларни қўллаш билан ва кейинчалик тоғ жинсларида Rohde&Schwarz RTO1004 маркадаги рақамли осциллограф ёрдамида осциллографлаш билан кучланиш тўлқинининг таъсири илмий тажрибага асосланган ҳолда тадқиқ қилинди.

Шу билан бирга тадқиқот ишларида ZETLAB ZET 048-C маркадаги сейсмостанциядан фойдаланилади. Ундаги юқори тезликдаги видео тасвир тўлқин тарқалишини ва тўлқиндаги босим амплитудаларини чегаралашсиз қайишқоқ деформацияларни бир вақтни ўзида ёзиб олиш имконини берди. Ҳамда тўлқинларни тарқалиш тезлиги ва импульсни давомийлиги қайд этилган.

СВ-10Ц маркадаги датчик ёрдамида ва осциллограф билан асбоб ўлчашлар энергия кичик улушини ҳам аниқлаш имконини берди, бу тоғ жинсларини майдалаш учун мўлжалланган. Ёриқ ҳосил бўлиш хусусияти, массивни чуқурлигидаги қолдиқларни мавжуд бўлиши ёки очик юза томонида чизикли ўлчаш йўли билан белгиланган.

Моделларда ўтказилган илмий тажрибани учта йўналиши усулларда кўриб чиқилган, улар:

- ҳажмли моделларда ёриқ ҳосил бўлишини ўрганиш;
- шаффоф моделларда портлаш жараёнини юқори тезликдаги видео ёзиб олиш усули билан тўлқинли ўзаро таъсирни ўрганиш;
- ҳақиқий тоғ жинсларининг намуналарида портлатиш вақтида кучланиш тўлқини ўлчамларини аниқлаш.

Тўлқин ҳосил бўлишини ўрганиб чиқиш мрамрдан ва қумтошдан тайёрланган ҳажмли моделларда олиб борилган. Бунда зарядлар асосан тоғ жинсига пармаланган бўшлиққа жойлаштирилган. Зарядлар орасидаги масофа геометрик ўхшашликни ҳисобга олган ҳолда ясалган.

Зарядлар орасидаги масофа, ушбу берилган тоғ жинслари ва аниқланган заряд диаметри учун самараси аниқлангунча ўзгартириб борилган. Самарали масофани баҳолаш мезони остида ҳосил бўлган тирқиш сифати, синалаётган намуналарни майдалаш даражаси ва осилмаларни мавжуд бўлиши қабул қилинган.

Olympus i-SPEED 2 маркадаги юқори тезликдаги камерада тасвирга олиш маълумотларига кўра тўлқинли ўзаро таъсир ўрганилган, бу қайд қилиш бошланиши билан ўрганилаётган жараённи бошида бир бирига мос келишини аниқлаш имконини берди.

Биринчи яқинлашиш сифатида қўйидагилар мумкин бўлади, бунда модел ва кон массивлари майдаланишигача қайишқоқ зич жисм сингари ҳолатда бўлади.

Тасвирга олиш ишлари секундда 2000 та кадрли частота билан амалга оширилган. Тоғ жинсларини майдалаш жараёни атрофни акустик қаттиқлигига боғлиқ равишда сезиларли даражада қайтган ва тушган кучланиш тўлқинини ўлчамлари аниқланган. Моделларда ўзаро таъсирдаги

зарядларни кучланиш тўлқиннинг ўлчамларини ўлчаш учун СВ-10Ц турдаги датчиклар ҳамда эслаб қолувчи Rohde&Schwarz RTO1004 рақамли осциллограф қўлланилган.

Осциллограмми расшифровка қилишда датчикни паспортидаги маълумотларидан фойдаланилган.

Моделини тузишда зарядлар орасидаги самарали масофани аниқлаш талаб қилинган, бу синалаётган намуналарни бузиб майдалашда сифатли тиркиш ҳосил қилиш имконини беради. Моделдаги зарядни талаб этилган минимал диаметри 2-2,5 мм ташкил этади.

Намуналарни бузиш даражасини камайтириш учун бир нуқтада тўпланган зарядларни модели тайёрланган. Шиша трубачалар ёрдамида шпурни бор чуқурлиги бўйича учта бўшлиқ оралиғи билан тўрт қисмида заряд бир нуқтада тўпланган. Шпурлар орасидаги масофалар 6,5 дан 35 заряд диаметрида ўзгарган.


Шу тариқа, моделларда контурли заряд скважиналарини портлатишни илмий тажрибага асосланган тадқиқотлар олиб бориш усуллари ишлаб чиқилган, улар ҳажмли моделларда ёриқлар ҳосил бўлишини тадқиқ қилиш ва шаффоф моделларда портлаш жараёнини юқори тезликдаги видео ёзиб олиш усулида тўлқинли ўзаро таъсирни ўрганиш имконини беради, ҳамда ҳақиқий тоғ жинсларида портлатиш ишларини олиб боришда кучланиш тўлқини ўлчамларини аниқлаб беради.

«Карьер ботрларини турғун қиялигини шакллантириши усуллари саноат-тажрибада ўрганиш ва ишлаб чиқиш» деб номланган олтинчи бобда, карьер ботрларини турғун қиялигини шакллантириш усуллари ва карьерни чегаравий контуридаги поғоналарни қиялашни экскаваторли усули ҳамда карьерни контур олди зоналарида скважинали зарядларини кўзғатиш усуллари келтирилган ва Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли Кўкпатас кони Шарқий карьериди тадбиқ қилинган ва ишлаб чиқилган.

